

Қўқонда GRAND TA'LIMнинг янги филиали очилди



14:36 / 10.04.2022 1968

Рамазони шарифнинг шукуҳли кунларида, бугун 10 апрель, якшанба куни GRAND TA'LIM Қўқон филиалининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирга бир қатор ҳурматли меҳмонлар, устозлар таклиф этилди.

Тадбирни GRAND TA'LIM бош раҳбари Музаффар Саттиев очиб берди. Муассаса раҳбари ўз сўзида Қўқон шаҳри аҳолисини ушбу янги билим маскани билан муборакбод этиб, GRAND TA'LIM жамоаси 14 йилдан бери ушбу соҳада иш юритиши, хорижий тилларни ўқитиш борасида улкан тажрибага эга бўлгани ва келажақда бу йўлда яна кўплаб хайрли лойиҳаларни амалга ошириш режалари ҳақида сўзлади. Қўқон шаҳридан маҳалла фаоллари, нуроний оқсоқоллар хайрли дуолар қилишди.

Миср Араб республикасидан ташриф буюрган устоз Муҳаммад Абдулазиз сўз олиб, илм маскани очилиш муносабати билан ўзининг самимий тилаklarини билдирди.

Қўқон филиали GRAND TA'LIMнинг республикада фаолияти йўлга қўйилган Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти ишлаётган ҳамда Навоий, Наманган, Самарқанд, Андижон ва Пойтуғ филиалларидан кейингиси бўлади. Қўқон филиалида айна дамда араб, инглиз ва рус тили ўқитиш гуруҳлари ҳам «Билафон болажон» мактабга тайёрлов гуруҳлари иш бошламоқда.

Янги иш бошлаётган билим маскани юртимизда фойдали илм тарқатишда ҳисса қўшувчи, фарзандларимизни билимли, салоҳиятли ва етук инсонлар бўлиб камолга етишларида хизмат қилувчи масканлардан бўлишини умид этамиз.

Бобур Аҳмад